

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 29-yanvar, chorshanba № 8 (15750)

СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг қўлланма ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофлича фикр юритди.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди Президентимиз. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир». Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айtilган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Президентимиз спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли куриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)



«Kamolot» sadosi

ЧЕМПИОНАТГА ЙЎЛЛАНМА

Сайхунобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтадиган шашка бўйича республика чемпионатида ички саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда саккиз ёшдан ўн тўққиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар тўрт гуруҳда баҳс олиб борди.

Мусобақа иштирокчилари орасида Ўзбекистон чемпионлари,

Осиё ва жаҳон чемпионлари ҳамда бир қатор турнирларда ғолиблик-

ни қўлга киритган ёш спортчилар бор. Шу боис ҳар бир ўйин катта қизиқиш билан қарши олинди.

Турнир натижасида 8-10 ёшлилар ўртасида Хусниддин Жиянбоев, Лайло Тошпўлатова, 11-13 ёшгача Умид Болтабоев, Хумора Холикбердиева, 14-16 ёшгача Суннатулло Умаров, Васфия Бердикулова, 17-19 ёшгача Жаҳонгир Абдулла-

ев, Шаҳзода Турсунмуродова ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа сўнгида ғолиб спортчиларга «Kamolot» ЁИХ Сайхунобод тумани кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва республика чемпионатида иштирок этиш йўлланмаси топширилди. Энди улар вилоят шаънини ҳимоя қилишади.

Элёр ЖўРАЕВ

СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Болалар спорти объектларини куриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб кураликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

— Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб куришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деди Президентимиз.

Болалар спорти объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий мен-

талитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилмаётир.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашishi, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислоҳ Каримов.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид нҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортида улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар

ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак савияда ўтказилди.

Олти ёшли шахматчимиз Ислоҳбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яхё Имомов Францияда ўтган «Катта дубулга» туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонида мувофиқ Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Бу йил «Баркамол авлод» мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— 2014 йилни мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилдик. Бу масалага янги қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу даъватга айланиб бораётган бир шиорни эслаш ўринли, деб биладим. Яъни, соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, — деди Президентимиз.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофича таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, малакали мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор

қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тортаётган ташкилотга айланган барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пировадига Президентимиз.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Э.Боситхонова, Б.Зокиров, А.Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси президенти М.Усмонов, қатор вазирилик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

■ Vatan tuyg'usi ■

ЕНГИЛМАС ҚЎРҒОН

Дастлаб 2014 йил 20 январь куни Алишер Навоий кино саройида «Қўрғон» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун премьералди намоиши ва матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

«Қорақалпоқфильм» киностудияси директори Бейделла Султонов ушбу фильм нафақат Ватан ҳимоячиларининг оғир ва машаққатли хизматида, қолаверса, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий ва абадий дўстлигига бағишланганини таъкидлади. Фильм асосан қишнинг совуқ кунларида тасвирга олинган қарамай, унинг ижодий жамоаси ўз ишини сидқидилдан бажарганини ва айни ҳол фильм муваффақиятини таъминлаганини қайд этди.

Фильмда Шимолий ҳарбий округ-

да хизмат бурчини ўтаётган капитан, ўзбек йигити Жаҳонгир билан қорақалпоқ қизи, тележурналист Назиранинг соф муҳаббати таъсирли сахналарда ҳикоя қилинади.

Фильм премьераси 2014 йил 23 январь куни Киночилар уйи ҳамда Алишер Навоий кино саройида бўлиб ўтди.

Биз фильм намоишидан олдин режиссёр Абдувоҳид Фаниев ва бош роллардан бирини ижро этган Наргиза Алдашованинг фикрлари билан қизикдик.

Абдувоҳид Фаниев:

— Кинокартинани кўпқиррали фильм деб ҳисоблайман. Фильм сценарийсини Муродбой Низанов (Қорақалпоғистон) ва Шоира Фиёсова ёзишган. Фильмни яратиш устида катта ижодий гуруҳ иш олиб борди. Гуруҳ ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорларидан иборат бўлди. Уларга ўзимнинг миннатдорлигимни билдираман. Кун совуқ бўлишига қарамай, қорақалпоқ халқининг илиқ қалб ҳарорати катта

кўмак берди. Биз ҳозир қаттиқ ҳаяжондамиз. Томошабинларнинг фикри биз учун муҳим.

Наргиза Алдашова (қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети иқтисодиёт факультети иккинчи курс талабаси):

— Ушбу фильмда, биринчи навбатда, икки халқнинг бир-бирига бўлган дўстлиги ва муҳаббати тараннум этилган. Орол афсонасига катта эътибор берилди. Икки қаҳрамоннинг бир-бирига ва Ватанга бўлган муҳаббати кўрсатиб берилган. Қаҳрамон қиз бир кўрсатув тайёрлаш учун сув ва лой кечишдан ҳам қайтмайди. Фильмда бош қаҳрамонларнинг руҳан кучли эканлиги акс эттирилган. Бу кинодаги биринчи ролим. Стъёмкадан олдин ушбу ролни эплай оламанми, йўқми, деб ўйландим, лекин тасвирга олиш жараёнида партнёрим Бобур Йўлдошев катта ёрдам берди. Шунингдек, режиссёр

Абдувоҳид Фаниевнинг кўмагини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Унинг тавсиялари ролни қийналмай ижро этишимга имкон берди.

Фильмнинг бош қаҳрамонлари аксар фазилатлари билан бошқалардан ажралиб туради. Бунга Назиранинг қатъияти ва дадиллигини, қорақалпоқ қизига хос жўшқин ва латиф қалб соҳибаси эканини, Жаҳонгирнинг севгисига содиқлигини мисол келтириш мумкин. Йигит қизга муҳаббатини ўзига хос тарзда изҳор қилади. Улар Орол бўйидаги қадимий қўрғон атрофини сайр қилишаётганида Назира Жаҳонгирга Орол ҳақидаги афсонани сўзлаб беради. Унда бир гўзал қиз куёшни севиб қолади ва куёш бир кун чиқмай қолганига жуда кўп ёш тўқади. Натижада кўз ёшларидан денгиз пайдо бўлади. Таъсирли афсонани эшитган Жаҳонгир «Мен куёшни севиб қолдим», деб айтади. Шунда қиз йигитнинг севги изҳор қилганини тушунади.

Алқисса, мен кинони кўриб, ўз ёрини ҳимоя қила оладиган инсонгина Ватанини ҳам ҳимоя қила олади, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Насрулло ЭРҒАШ,
«Turkiston» мухбири

■ *Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch* ■

БАХТГА ЕТАКЛАЙДИ КИТОБЛАР

Бир куни шогирд устозига:

— Устоз, бахтли бўлгим, тинч-осойишта яшагим келади. Менга бахтли келажак йўлини кўрсатинг, — дебди.

Шунда устоз шогирдининг қўлидан тутиб, уни узун йўлга бошлабди ва:

— Бу ўша йўл, — деди. — У сени бахтли келажакка олиб боради.

Йигит бахт калитини излаб, йўлга тушади.

Йўлда хаёлидаги сеҳрли чироқ, гўзал париваш ёки олтин балиқчани ҳам учратолмабди. Олдидан кутубхона чиқибди. У ердаги китоблар олами билан танишгач, бахтли келажакка элтувчи йўл китоблар эканини тушунибди.

Дарвоқе, биз, ёшлар чиндан бахтлимиз. Чунки ҳар куни тафаккуримизнинг қанотлари бўлган китоблар билан биргамиз.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига бораяпмиз. Аммо бу қутлуғ даргоҳда китоб варақламоқчи эмасмиз, «Китобхонлар байрами» маъданий-маърифий танловини кўрмоқчимиз. Бугун бу ерда китобсеварлар «Китоб — тафаккур хазинаси», «Энг фаол бадиий асарлар тарғиботчиси», «Ёш ижодкор талаба», «Асарлардан яралган саҳна асарлари» ва «Асарлардан яралган наволар» йўналишлари бўйича ўзаро беллашишмоқчи. Республикаимизнинг турли гушаларидан келган саксон тўққиз нафар китобхон талаба учрашмоқчи.

Дастлаб танловнинг очиш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Фарҳод Ризаев барчани китобхонлар байрами билан табриклади. Танловнинг шаффоқлик билан ўтишига ишонч билдирди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази гуруҳи раҳбари Мансур Юнусов танловнинг аҳамияти

ҳақида гапирди:

— «Китобхонлар байрами» сизу бизни китоблар оламида бирлаштирапти. Бугун бу оламда кўп дўстлар орттирамиз, фикрлашамиз.

Сўнгра ажойиб кўшиқ ва рақсларга навбат берилди.

Бир маҳал олий ҳакам — соат миллари ўн бирни кўрсатди ва дастурда белгиланганидек, қатнашчилар шўьбаларга бўлинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган танлов бошланди.

Биз муассасанинг иккинчи қаватига кўтариламиз. Мажлислар залига ўтиб, танловнинг «Китоб — тафаккур хазинаси» йўналиши бўйича беллашаётган иштирокчиларнинг чиқишларини кузатамиз.

Наманган давлат университети талабаси Дурдона Исмоилова матбуотда чоп этилган публицистик ва илмий мақолаларининг тақдимотини ўтказди. Жиззах давлат педагогика институти талабаси Зилола Убайдуллаева «Шеърлий сатрлар», «Мен бу мен эмас», «Ийғлоқи кўзлар» мақоласининг мазмун-моҳияти, долзарблиги ҳақида гапириб



берди. Қорақалпоқ давлат университети талабаси Муқаддас Алламбергеновнинг «Китобим менинг» мақоласи кўпчиликда мулоҳаза уйғотди.

— Менга Муқаддаснинг мақоласи ёқди, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Нафиса Рашидова. — У мавзуга тўғри ёндашган. Китобнинг аҳамиятини болалигидаги воқеалар асосида кўрсатиб бера олган.

Ушбу йўналишда иштирокчилар ўн дақиқа ичида ўзининг ижодий ишларини кўрсатиши зарур. Ўзаро дўстона фикр алмашишди, таклифлар ўртага ташланди.

Биз бу вақтда учинчи қаватга кўтариламиз ва танловнинг «Энг фаол бадиий асарлар тарғиботчиси» йўналиши қатнашчиларининг тақдимотини кузатамиз.

Самарқанд давлат университети талабаси Юлдуз Турдиева Абдулла Қодирининг «Ўткан кунлар» романини тенгдошлари ўртасида қандай тарғиб қилгани ҳақида айтиб берди. Ўзбекистон Миллий университети талабаси Бибиробия Саидова болаларга ўзбек халқ эртақларини тарғиб қилишнинг самарали ва замонавий методларини намойиш этди. «Ёш ижодкор талаба» йўна-

лишида Қарши давлат университети талабаси Зарина Валиева ўзининг «Ватан мадҳи» шеърини ўқийётган экан. Таъсири мисралар қалбимизни титратди, туйғуларимизни тўлқиндек мавжлантирди. Кейин Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ақром Маликов инглиз тилида ёзган «Кетмон» шеърини ўқиб берди.

Хуллас, бу ерда оҳори тўқилмаган шеър, ҳикоялар ўқилди, публицистик ва илмий мақолалар муҳокама қилинди.

Бу пайтда «Асарлардан яралган саҳна асарлари» йўналишида Нукус давлат педагогика институти талабалари «Қайсар» саҳна кўришини намойиш этишаётганди.

— *Бойўғли бир ой сайрайди, кейин япалоққа айланиб, учиб кетади.*

— *Қаердаги гапларни топасан? Бойўғли билан япалоқнинг фарқига бормайсанми, ахир?! Ўғлингга қизимни бермайман. Унга бойўғлини япалоқ дейдиганнинг қизини олиб бер...*

— Тўғриси, кутубхонага китоб ўқишга келгандим. Қарасам, танлов бўлаётган экан. Мана, ҳозир саҳна кўришинларини томоша қилдим.

Менга ёқди, — дейди ЎзДЖТУ талабаси Абдурахмон Туробов.

Яна биринчи қаватга тушдик. У ерда «Асарлардан яралган наволар» йўналиши иштирокчиларининг истеъдодига гувоҳ бўлдик. Наманган давлат университети талабаси Кумуш Қосимованинг кўшиғига жўр бўлдик. Қорақалпоқ давлат университети талабаси Саламат Аяповнинг дуторда куйлаган «Қиз минойим» кўшиғига рақс тушдик.

Соат миллари иккинчи кўрсатганида танлов якунланди. Ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Жудаям хурсандман. «Асарлардан яралган наволар» йўналишида биринчи ўринни оламан, деб ўйламагандим. Ҳаммаси бошқача бўлди, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси Лазиз Асоев ҳаяжон билан.

Биз шундай ҳаяжонни Жиззах давлат педагогика институти талабаси Зилола Убайдуллаева («Китоб — тафаккур хазинаси» йўналиши), Нукус давлат педагогика институти талабаси Хосият Ражабова («Энг фаол бадиий асарлар тарғиботчиси» йўналиши), Қўқон давлат педагогика институти талабаси Умида Ҳошимованинг («Ёш ижодкор талаба» йўналиши) юзларида ҳам кўрдик ва уларга ҳавас қилдик.

Ушбу хурсандчилик, ҳаяжонлар китобхонларга китоблар дунёсидан кичкина тўхфа, холос. Ҳали бу дунё энг ширин дамларга, энг бахтли лаҳзаларга йўл очади. Негаки, китоблар инсонларни доим бахтга етаклайди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

КИТОБ ХАРИД ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАР

Бугун интернет орқали ижтимоий тармоқларда соатлаб вақтини беҳуда ўтказиб, ҳеч қандай маънавий озуқага эга бўлмаётган ёшларни кўплаб кузатиш мумкин. Уларга қараб, ҳаётда бирор китоб мутулаа қилганмикан, деб ўйлаб қоласан, киши.

Чилонзор туман ҳокимлигида бўлиб ўтган «Китобхонлар байрами» ва китоблар кўргазмасида эса китобхон тенгдошларимизни кўплаб учратдик. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир ҳақиқий китобхонлар байрамига айланди. Қувонарлиси, ўқувчи-ёшларни ёт гоёлардан йироқлаштириб, китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширди, бадиий адабиётга ошно этди.

Китобхонлар байрамига нафақат ўқувчилар, балки уларнинг устозлари ҳам келишди. Улар ёшлар маънавиятини юксалтириш-

га хизмат қилувчи адабиётлар, жумладан, роман, қисса, ҳикоя ва эртақлар тўпламлари ҳамда шоир ва адибларимизнинг сайланма асарларини томоша қилиб, ўзларига маъқул бўлган адабиётларни мутулаа қилишга ва шахсий кутубхоналарини яна бир маънавий озуқа берувчи асар билан бойитиш учун олишди.

— Китоб харид қилаётган ёшларни кўриб хурсанд бўлдик, — дейди «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Негаки, уларнинг китоб мутулаа қилишга қизиқмаётган тенгдошлари бир марта бўлса-да, ўша китобни варақлаб кўришади. Қайсидири ўша китобни ўқиб кўришни истайди. Қачонки, китоб мутулаа қилишга қизиққан ёшларимиз энг яқин дўстига ўқиш учун бирор китоб тавсия эта олса, олдимишга қўйган мақсадимизга эришамиз.

Тадбир давомида истиқлол йилларида юртимиздаги шоир ва ёзувчилар ҳамда драматургларнинг чоп этилган энг сара асарлар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Унда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Нодира РЎЗИЕВА

Республика болалар кутубхонасида Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган «Сўз мулкининг султони» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди.

НАЗМ САРОЙИГА «САЁҲАТ»

Улуғ алломалар, шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан маъно уққан ҳар бир кунингизда улар сизнинг онгингизда, қалбингизда қайта-қайта тугилаверади. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Миллий университети доцентлари А.Тилавов ва Д.Юсупованинг сермазмун маърузалари орқали ҳам китобхонлар тасаввурда сўз мулкининг султони яна бир бор бўй кўрсатди.

— Адабиётшунос олимлар билан савол-жавобдан сўнг шу нарсани англадимки, мен Навоий бобомиз ҳақида кўп эшитиб, кўп гапирганимни, лекин у зотнинг сийратига яқинлашганимни ҳис қилдим. Шу бугундан Алишер Навоийнинг яқинда нашрдан чиққан ўн томлик мукамал асарлар тўпламини ўқишни бошламоқчиман, — дейди фаол китобхонлардан бири, С.Сирождинов номидаги академик лицей ўқувчиси Жасур Раҳматов.

Тадбир давомида Юнусобод туманидаги 122-мактаб ўқувчиларининг саҳна кўришинлари намойиш қилиниб, Успенский номидаги республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ўқувчиларининг Алишер Навоий ғазалларига басталанган куй ва кўшиқлари ижро этилди.

Наргиза БЕРДИЕВА,
Республика болалар кутубхонаси мутахассиси

ҲАРАКАТ ЁШЛАРГА, ЁШЛАР ЮРТГА ҚАНОТ!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг турли лойиҳалари истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бунинг Харакатнинг Сурхондарё вилояти кенгаши фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

ЯНГИ ЛОЙИҲА, ЯНГИЧА ҚАРАШ

Ўтган йили Харакатнинг Бойсун тумани кенгаши касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланишига кўмаклашиш мақсадида янги ташаббус билан чиққан эди. Ушбу лойиҳага бошланғич ташкилотлар етакчилари ва фаол «Камолот»чилар жалб этилиб, уларнинг ҳар бирига ўн нафардан коллеж битирувчилари бириктирилди.

— Лойиҳа асосида 1212 нафар коллеж битирувчисидан 1071 нафарининг доимий иш ўринларига эга бўлишига кўмаклашдик, — дейди Харакатнинг Бойсун тумани кенгаши раиси Алишер Норматов. — Қолган битирувчилар турли олий таълим муассасаларида ўқишяпти. Мазкур лойиҳа ўз натижасини кўрсатди. Бу йил янада фойдали лойиҳалар ишлаб чиқишни режалаштиряпмиз.

— Ўтган йили қурилиш ва иқтисодиёт коллежини тугатиб, туманимиздаги «Акбаршоҳ» хусусий фирмасига қарашли Бойсун савдо марказига ишга жойлашдик, — дейди Шодия Бўриева. — Ўзим хоҳлаган иш билан шуғулланишимда коллежимизнинг бошланғич ташкилоти етакчиси Дил-



фуза Қодированинг хизмати катта бўлди. «Камолот»чиларнинг ушбу лойиҳаси билан бошқа тенгдошларим ҳам иш билан таъминланди. Барчамиз хурсандмиз.

ЁШ ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Жарқўрғон туманида ёш фермер ва тадбиркорлар «Камолот» аъзоларига бириктирилган. Бўлажак тадбиркор ва фермерларга эса турли лойиҳалар орқали амалий кўмак берилмоқда. Харакатнинг туман кенгаши 43 нафар коллеж битирувчисининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар, саккиз нафар талабанинг эса таълим кредитларини олишига яқиндан кўмаклашди. Ўтган йили «Менинг бизнес ғоям» танловининг республика босқичида воҳанинг уч нафар ёш тадбиркори голиб

бўлиб, кредит олиш учун тавсия билан қайтишган эди. Айти кунда улар тадбиркорлик фаолиятини бошлашган.

— Фермер бўлишни кўпдан буён орзу қилардим. Лекин бу борада кўникма ва билимга эга эмасдим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бўлажак тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ўқув-семинар ва лойиҳаларида қатнашиб, тадбиркорликка оид бошланғич билим ва кўникмаларни шакллантирдим. «Шоҳрухбек» балиқчилик фермер хўжалигини ташкил этишимда ҳам Харакатнинг Жарқўрғон тумани кенгашининг муҳим ўрни бор. Ўтган йили халқимизга уч минг тонна балиқ маҳсулотини етказиб бердик. Даромад ҳам яхши. Бу йил қиймати йигирма беш минг АҚШ долларига тенг лойиҳа асосида кўшимча сунъий кўл барпо этиб, балиқчиликни янада кенгайтирмоқчи-

миз. Келгусида фермер хўжалигимиз таркибида чорвачилик ва паррандачиликни ҳам ривожлатириш ниятидамиз. Бунинг натижасида тенгдошларим янги иш ўринларига эга бўлади, — дейди ёш фермер Ўктам Расулов.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР «КАМОЛОТ» ЭЪТИБОРИДА

Ёшларнинг ҳар бири олам, ҳар бирининг маълум бир соҳага қизиқиши ва иқтидори бор. Фақат ана шу иқтидорни излаб топиш ва шакллантириш зарур. Бунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни катта. Ўтган йилнинг ўзида юз нафардан ортиқ сурхон ёшлари турли танловларда, спорт мусобақалари ва фестивалларда қатнашиб, голибликни қўлга киритишди. Биргина «Юрт келажиги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловига уч нафар ёш голиб бўлди. Харакатнинг вилоят кенгашининг асосий вазифаларидан бири иқтидорли ёшларни топиш ва юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Термиз давлат университетининг иқтидорли талабаси Зебунусо Сафарованинг «Саргузаштлар» номли ҳикоялар тўплами ҳам Харакат кўмағида нашр этилди.

Ёшларнинг ёрқин келажигига пойдевор бўлиб, қатъий ишонч билан олға қадам ташлаб бораётган «Камолот» ЁИХ бугун том маънода ёшларнинг юрагига кириб борди. Ёшларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни дастуриламал қилиб олган ёшлар ташкилоти жорий йилда ҳам навқирон авлод келажиги йўлида янги-янги истиқболли режаларни амалга оширишга бел боғлаган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири



Hademay mutaxassis bo'lishadi

КОЛЛЕЖГА «ТТЗ-8011» КЕЛТИРИЛДИ

Кўштепа агросаноат касб-хунар коллежида 1087 нафар ўқувчи таълим олади. Ёшларга етмиш нафардан ортиқ педагог беш йўналиш бўйича касб ва хунар сирларини ўргатапти.

Мазкур таълим масканида илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу борада немис тили ўқитувчиси Барно Зайлопова, кимё фани бўйича Гулчеҳра Бўронова, физикадан Юлдуз Шокирова, бухгалтерия фанидан Фахриддин Муллажонов ва рус тили фанидан Мадраҳим Мўминов каби янгиликка интилувчи ўқитувчиларнинг ишлари бошқаларга намуна қилса арзирли. Улар ўз дарсларида «клас-

тер», «case study» ва бошқа қатор усуллардан фойдаланишяпти.

Коллеж ўқувчилари учун жорий ўқув йилида давлат дастури асосида «ТТЗ-8011» русумли трактор барча агрегатлари билан келтирилгани катта совға бўлди. Яқин кунларда замонавий тўқув машиналари ҳам келтирилиши кутиляпти. Бу ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касбни мукамал эгаллашлари, битирувчиларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларига асос бўлади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

СУРАТДА: биология ўқитувчиси Мавлуда Саминова ўқувчиларга ДНК занжирининг тузилишини тушунтиряпти.

Qadriyat

КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОЛИШДИ

Ҳаётда ҳар бир инсон ўз ўрнига эга бўлишни истайди. Шунинг ўзи ҳам катта мақсад ва яхши ниятдан дарак беради. Инсоннинг бирор ишининг бошини тутуши, касб-корга эга бўлишдан мақсади ҳам одамларга наф келтириш, уларга хизмат қилишидир. Бунинг халқимиз чиройли қилиб «эл қорига яраш» ибораси билан ифодалаган.



Пойтахтимиздаги 101-кар болалар махсус мактаб-интернати ўқувчилари учун ташкил этилган тўқувчилик йўналиши ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлидаги хайрли ишдир. Айти пайтда мазкур йўналишда ўн икки ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўн беш нафар қобилиятли ўқувчи таҳсил олаёпти.

Яқинда ушбу мактаб-интернати ўқувчилари Тошкент шаҳридаги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида фахрийлар билан учрашишди. Самимий, кўтаринки руҳда ўтган учрашувда мактаб-интернати ўқувчилари ўзлари тўқиган буюмлардан кексаларга тўхфа этиб, уларнинг дуоларини олишди.

Камолиддин ҲАМДАМОВ,
ЎЗМУ талабаси

«Kamolot» ko'zguşi

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ОЧИҚ, ОШКОРА ВА ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

БУХОРО. «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгашининг туман ва шаҳар кенгашиларида бўлиб ўтган конференцияларда кўтарилаётган масалалар ўз долзарблиги билан аҳамиятли бўлди.

110 нафар делегат иштирокида ўтган Ҳаракатнинг Вобкент тумани кенгаши конференциясида Ҳаракат тизимларидаги иш услубларини такомиллаштириш борасида сўз юритилиб, таклифлар киритилди. Ечимини кутаётган муаммоларга ҳам эътибор қаратиш зарурлиги билдирилди. Конференцияда иштирок этган туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Жаводов ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Конференция давомида туман кенгашининг икки ярим йиллик фаолиятига оид ҳисобот тингланди ва раҳбар органлари сай-

ланди. Ҳаракатнинг Вобкент тумани кенгаши раислигига эса кўпчилиكنинг овози билан Зухриддин Ашуров қайта сайланди.

Конференция сўнггида Ҳаракатнинг туман кенгаши билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб борган туман ИИБ, «Вобкент ҳаёти» газетаси таҳририяти ва бир гуруҳ фаол ёшлар ҳамда «Камалак» юлдузлари — 2013» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари рағбатланганди.

Гиждувон тумани кенгашининг конференция ишини кузатиш, амалга оширилган ишларни таҳлилий ва танқидий кўриб чиқиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари билан иборат 150 нафар делегат иштирок этди.

Кун тартибида белгиланган масалалар кўриб чиқилгач,

ёшларнинг маънавияти ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, уларни баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар баҳоланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Музокара ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтган конференцияда делегатлар ўзларининг танқидий ва таҳлилий фикрларини, Ҳаракат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларини билдиришди.

Конференцияда амалдаги раис Фолиб Баратовга гиждувонлик ёшлар қайта ишонч билдиришди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



СУРХОНДАРЁ. Қизириқ тумани ҳокимлиги ҳар қачонгидан-да гавжум. Нимага дейсизми, улар бугун ўзларига етакчи сайлашади. Мусиқа садолари остида бошланган ҳисобот-сайлов конференциясида тумандаги иқтидорли ёшларнинг ижодий ишларидан иборат кўрғазмалари намойиш этилди. Ҳаммасидан ҳам «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ўқувчиларининг ижодий ишлари эътиборимизни тортди. Улар хунарга қизиқувчи тенгдошларига шарф, шапка, рўмол ва турли либослар тўқишни ўргатишди.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР АЙТИЛДИ

Дастлаб конференциянинг янада кўтаринки руҳда ўтиши учун туман ҳаваскор ёшлари ижросида ашулалар янгради. Сўнг Ҳаракатнинг Қизириқ тумани кенгашининг навбатдаги конференцияси бошланди. Конференция иши янада ҳаққоний ўтиши учун уни ёшларнинг ўзлари бошқариб боришди. Тумандаги 9-ихтисослашган мактаб-интернат бошланғич ташкилоти етакчиси Соҳиба Самадова раислик қилди. Конференцияда мактаб, коллеж, корхона, ташкилот ва мусассасалардаги бошланғич ташкилот аъзоларидан иборат делегатлар иштирок этди. Улар «Камолот» ЁИХ Қизириқ тумани кенгаши раислигига қўйилган номзодларга овоз беришди. Делегатларнинг энг кўп овозини олган Акмал Тўраев Ҳаракатнинг туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Конференция сўнггида ҳоким ва ёшлар учрашуви ташкил этилди. Шу кунги ёшлар билан Қизириқ тумани ҳокими Олим Алимардонов юзма-юз суҳбатда бўлди. Самимий ўтган учрашувда қизириқлик ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, мавжуд муаммоларни ҳам ўртага ташлашди, таклифларини ҳам билдиришди.

— «Камолот»нинг барча тадбирларида қатнашганман, лекин конференцияда биринчи марта раислик қилишим, — дейди Қизириқ туманидаги 9-ихтисослашган мактаб-интернат бошланғич ташкилоти етакчиси Соҳиба Самадова. — Менга билдирилган ишонччи оқлай олганимдан хурсандман. Асосийси, биз, ёшларга қаратилаётган ғамхўрлик туфайли ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етаяпмиз. Ҳоким ва ёшлар учрашувида дилдаги гапларимизни айтдик.

Учрашув давомида тумандаги фаол бошланғич ташкилот етакчилари туман ҳокимининг соғвалари билан тақдирланди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ХОРАЗМ. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳар кенгашининг навбатдаги — VI конференцияси олдидан делегатлар Хива шаҳрига саёҳат қилишди. Куннинг иккинчи ярмида ТАТУ Урганч филиалида ҳисобот-сайлов конференциясини ўтказишди.

Карнай-сурнай садолари билан бошланган конференция олдидан иқтидорли ёшларнинг кўрғазмаси намойиш этилди. Делегатлар ТАТУ Урганч филиалининг Электрон ҳукумат ўқув маркази фаолияти билан ҳам танишди.

Сўнг конференция кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди. Қилинган ишлар юзасидан «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси М.Машарипов ҳамда Урганч шаҳар ҳокими И.Ёкубов ўз фикрларини билдириб, амалга оширилиши зарур бўлган навбатдаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Музокараларни давом эттирган делегат Ш.Жонибекова, 1-академик лицей ўқувчиси Б.Маҳмудов Урганч шаҳар кенгаши фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини айтиб ўтди.

Делегатлар кўрсатилган учта номзоддан Фозил Болтаевнинг номзодини Ҳаракатнинг Урганч шаҳар кенгаши раислигига муносиб деб топишди. Конференция ишида «Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Делегатлардан ўттиз беш нафари Ҳаракатнинг вилоят кенгаши конференциясига делегат этиб сайланди.

Шаҳло САФАШЕВА,
«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

БУВАЙДАДА «КАМОЛОТ» МУСОБАҚАЛАРИ

ФАРҒОНА. Бувайда туманида ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида туман ҳокимлиги, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва фаол ёшлар иштирок этди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Ҳаракатнинг Бувайда тумани кенгаши ҳамда назорат-тафтиш комиссиясининг ўтган икки ярим йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Барча масалалар кўриб чиқилгач, Ҳаракат иш фаолияти қониқарли деб топилди ва келгуси вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, туманда «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» фаолиятини йўлга қўйиш, Ҳаракат тизимидаги бошланғич ташкилотларга Ҳаракатнинг дастур ҳамда низомида белгиланган вазифалар бўйича яқиндан кўмаклашиш, уларга кўчма ўқув-семинарлар ва тренинг машғулотларини ташкил этиш, вояга етмаган ёшлар ўртасида «Камолот» соврини учун волейбол, футбол, стол тенниси, каратэ, бокс мусобақалари ўтказиш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сингари вазифалар қайд этилди.

Кўпсонли делегатлар овози билан Бекмурод Эрматов Ҳаракатнинг Бувайда тумани кенгаши раиси этиб сайланди.

Собиржон МЕЛИБОЕВ,
«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши бўлим мудир

Iste'dodli yoshlar — yurt kelajagi

МУСИҚА ВА САНЪАТ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Чирокчи туманида икки юз ўринга мўлжалланган, Деҳқонобод туманида 150 ўринли, Қарши шаҳрида 150 ўринли ва Нишон туманида 150 ўринли муסיқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу таълим масканларида қатор янги йўналишлар ташкил этилди, 48 та янги иш ўрни яратилиб, ёш мутахассислар иш билан таъминланди.

Шароит бор жойда ўсиш, тараққиёт, ютуқ бўлади. Ёш истеъдод соҳиблари ўзларига яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ётгани уларнинг турли танлов ва фестивалларда қўлга киритаётган ютуқларида кўзга ташланаяпти.

2013 йилнинг июнь ойида вилоят марказидаги 1-болалар муסיқа ва санъат мактабида «Академик чолғулар ва эстрада ихрочилиги» танловининг республика босқичи ўтказилиб, унда вилоят муסיқа ва санъат мактабларидан ўн икки нафар ўқувчи иштирок этди. Шунингдек, ўтган йилнинг 28-30 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танло-

вининг республика босқичида вилоятдан тўрт нафар ўқувчи қатнашиб, Косон туманидаги 8-болалар муסיқа ва санъат мактаби вакиллари 3-ўринни қўлга киритди.

Санъат шуниси билан ҳам жозибалики, у тил, миллат, жой танламайди. Унинг мана шундай кучидан фойдаланаётган юртимиз ёшлари хорижда ўтказилаётган нуфузли танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишаётгани қувонарлидир.

2013 йилнинг августидан Туркменистонда ўтказилган халқаро фестивалда Китоб туманидаги 10-муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларидан ташкил топган рақс жамоаси фаол иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирлангани, октябрда эса Латвиянинг Лиспая шаҳрида бўлиб ўтган 2-халқаро ёш балетчилар танловида Яккабоғ туманидаги 18-БМСМдан Мухтабар Боймуродова ва Шерзод Ҳикматовнинг совриндор бўлгани Ўзбекистонимизда камол топаётган истеъдод эгаларининг нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этаётганини кўрсатади.



Бу каби ютуқлардан нафақат қашқадарёлик, балки юртимиздаги барча санъаткор ёшлар фаолиятдан ҳам кўплаб мисол келтириш мумкин.

Албатта, бошқа соҳалар каби санъат ҳам кишидан тинимсиз изланишда бўлишни, ўқиб-ўрганишни талаб этади. Сизу биз телевизорда, концерт залларида, байрамларда кўшиғини, куйини мароқ билан тинглайдиган хонандаю созандалар бу даражага фақат истеъдод ва омад туфайли эмас, машаққатли меҳнат, талабчан устозларнинг фидойиликлари билан эришгани ҳар доим ҳам хаёлга келавермайди. Шу маънода, айтиш мумкин, бугун қашқадарёлик санъатсевар ёшлар ҳам ўз билимларини ошириш учун изланишдалар.

Улар ўз санъатлари билан халқимиз санъатини жаҳонга янада танитишни мақсад қилганлар.

2014 йил улар фаолиятида янги ютуқларга бой бўлади. Шаҳрисабз туманидаги 2-болалар муסיқа ва санъати мактабининг ижодий жамоаси 15-23 февраль кунлари Франциянинг Бангонет шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кўрик-танловда иштирок этишга ҳозирлик кўрмоқда. Шу билан бирга, Китоб туманидаги 10-БМСМ ўқувчилари Шоҳрух Раҳмонов, Гулбаданбегим Баҳромованинг Латвияда 28-31 март кунлари ўтказиладиган халқаро рақс олимпиадасида иштирок этиши кутилмоқда.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

Kasb fidoyilari

Ўта муҳим объектлар хавфсизлиги таъминлашининг ташкил этилишини назорат қилиш бўйича Идораларо республика комиссиясининг 2013 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТНИНГ МЕВАСИ ТОТЛИ

Мазкур йиғилишда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ўта муҳим объектлар хавфсизлиги таъминлашининг ташкил этилишини назорат қилиш бўйича идораларо комиссия раислари иштирок этди.

Йиғилишда ўта муҳим объектлар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этишни назорат қилиш бўйича Идораларо республика комиссиясининг 2013 йилда амалга оширган ишлари ва 2014 йилги режалари муҳокама қилинди. Шунингдек, бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий ўта муҳим объектлар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этишни назорат қилиш бўйича идораларо комиссияси раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш сўнгида иқтисодиётда муҳим ўрин тутган объектларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда хавфсизлигини таъминлаш борасида ижобий кўрсаткичларга эришган бир қатор ходимлар тақдирланди.

Жумладан, ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари шахсий таркиби ўртасида «Энг яхши кўриқлаш ходими» деб Наманган вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасининг 1-сонли алоҳида милиция батальони 2-отряд 2-взвод милиционери, катта сержант Баҳромжон Раҳимов ва «Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни кўриқловчи энг яхши кўриқлаш отряди» деб Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасининг алоҳида милиция батальони 2-отряди тақдирланди.

Катта сержант Б.Раҳимов ва Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси Алоҳида милиция батальони 2-отряди командири, майор С.Усмоновга кўча кубок ва сертификатлар топширилди.

Фахритдин РАДЖАПОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги
«Кўриқлаш» РБ бошлиғи ўринбосари,
подполковник

Hayot — maktab

ЙИГИТЧАСИГА ВАЪДА

Соат кечки ўн иккидан ошган. Қаттиқ ва безовта тақиллаган эшикни Сардор очди. Отаси яна ичиб келибди. Оёқда туролмайдиган даражада маст. Ичкарига кириши билан ундан ачимсиқ — ароқ ва тернинг ҳиди анқиди. Ўғлини қучмоқчи бўлиб ўзига тортди, ҳеч ким тушунмайдиган сўзларни гўлдиради. Сардор бундай ҳолатларга кўниқиб қолган. Ёқимсиз ҳиддан унинг кўнгли айниди.

— Ойинг қани, мундоқ кутиб ҳам олмайди, — деди отаси норози оҳангда.

— Ойим уйку дори ичиб ухлаганди, қўйинг, уйғотмайлик, — деди Сардор. Куни билан дўконда тик оёқда чарчайди, — ойисига ачиниб дадил гапирди.

— Онангни раҳмини ейсан-у, отангга ачинмайсан-а? — ғазабланди отаси.

Сардор ҳозир дадаси билан тортишиш бефойдалигини билгач, уни бир амаллаб ухлатди. Аммо ўзи туни билан ухлай олмади. Кайфияти тушиб кетди, дарс қилишга қўли бормади. Эртага устозига бирор ёлғон тўқиб баҳона топар... Ёлғон гапиришни ўйлаб, виждони қийналди. Э, нима бўлса, бўлар.

Хаёл суриб ётаркан, ташвишсиз болалигини эслади, бироз ўқинди.

У дадасини жуда-жуда яхши кўрар-

ди. Айниқса, дадаси ҳар куни ишдан келганда, Сардорга, албатта, ширилик олиб келарди. Сарвар: «Ота ўғил қани?» деб эркаласа, жажжи Сардор қўлини кўксига уриб, мана, дерди. Бу ишдан ота-бола катта завқ туйишарди. Сўнг ўғли отасининг бўйнидан қаттиқ кучиб оларди. Кечқурун ухлашдан олдин отасининг кучоғида ухлаб қоларди, ором оларди. Бу унинг учун мароқли эди. Бироқ отасидан доим ароқнинг ҳиди келиб турарди-да. Бу ёқимсиз ҳид отасининг кийимларигача ўрнашиб қолганми? Дадасини қанчалик яхши кўрмасин, бу ҳид унга сира ёқмасди.

Сардорнинг ароқни ёмон кўришига яна бир сабаб бор. Икки йил олдин у жуда яхши кўрадиган бобоси — дадасининг дадаси маст ҳолда машина бошқараётди, автохалокатга учради. Ка-

салхонага етиб бормаи, йўлда жон берган. Шундан кейин Сардор ароқни баттар ёмон кўриб қолди. Кейинчалик дадасидан хавотир оладиган бўлди. Энг ёмони, дадасининг доим шундай аҳволда юришидан ўртоқларининг олдида уяларди, қолаверса, дадасининг соғлиғи, ҳаёти унинг учун муҳим-ку.

Сардор нима қилишни билмай, сикилди. Дадаси ишга кетаётганда чўнтагидан ортиқча пулни олиб қўйсамикан? Йўқ, ичадиган одам қарзга олиб бўлса ҳам ичади. Тартибга солиш учун дадасини қаттиқроқ уришса-чи? Ўғлидан ранжиши мумкин. Бу ҳақда кўп ўйлаганиданми, баъзан тушларида дадасини машина уриб кетади ва... ўлиб қолади. Энг яқин одамни йўқотиб қўйганидан мурғак қалби даҳшатга тушади, кўрқиб кетади.

Нима қилиб бўлса ҳам йўлини топиш керак.

— Сардор, ўғлим, бошим ёрилиб кетяпти, дўконга чиқиб кел, фақат ойинг билмасин, — деди бир куни дадаси Сардорга.

— Ичмасангиз бўлмайми? — деди ўғли дадасига қовоғини уйиб.

«Демак, бош оғриганда ароқ ичса, қоларкан-да, дадам ҳам бошининг оғригини қолдириш учун ичаркан-да» — Сардорнинг миясига келган фикр шу бўлди. Шу топда Сардорнинг алами келди.

Ўзини ёмон ва ёлғиз ҳис қилди, боши қаттиқ оғриди. Дадасига раҳми келяптими, нимадир алам қияптими — кўп идрок қилолмади.

— Бўпти, олиб келганим бўлсин, — ўзига ўзи гапирди Сардор. Дўкондан чиққач, қизиқиб, ароқнинг мазасини татиб кўрди. Бир пасда бутун танаси қизиб, боши айланди, кўнгли беҳузур бўлди. Қайт қилгиси келди, бўлмади. Қийналиб кетди. «Қизиқ, катталар бу бемазани нимаси учун яхши кўриб ичаркан?» — ўйлади у.

Ўйга кираётди оёқлари чалишиб кетди. Ўзини бошқаролмади, ерга юзтубан йиқилди. Бир амаллаб ўрнидан турди. Юзига келиб тушган тарсакидан хушёр тортди.

— Ичишни сенга ким ўргатди, аҳмоқ? — деди дадаси важоҳат билан.

— Ким бўларди, сиз-да! — тап тортмай жавоб берди Сардор.

Ўғил бола бўлса-да, ўзини туюлмаи ўқириб йиғлади. Негалигини ўзи ҳам билмади. Аммо тарсакининг оғриғидан эмаслигини аниқ билади. Сардор энди дадаси тескари бурилиб кетади, деб ўйлади. У ўйлагандай бўлмади. Ўзини гуноҳкор сезган ота ўғлини маҳкам бағрига босди. Ўғлига бошқа ичмасликка йигитчасига ваъда берди.

Сардорнинг ўсмир вужудида болалигидаги, узоқларда қолиб кетган меҳр қайта уйғонгандек бўлди, йўқотган энг қимматбахо бойлиги отасининг нигоҳларига ҳам кўчгандек эди...

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Buyuk ajdodlarimiz

НОМИМ БЎЛСИН ДЭСАНЯ ЭЛАРО МАНИҲУ



Жаҳон адабиётининг етук намоюдаси Данте «Шеърятда, энг аввало, ҳислар самимийлиги ва туйғулар теранлиги керак», деганда ҳақ бўлган. Чунки шеърлар қалб тубидан отилиб чиқмаса, унда юракдаги ҳисларни жунбушга келтирадиган ғам ва шодлик бўлмаса, уни оддий сўздан фарқи йўқдир. Ҳазрат Алишер Навоий бундай ижодкорлар сирасига кирмайди, балки оддий сўзни ҳам шундай дарж этадики, унинг шоҳ байтларини ўқиб, кўнгиллар таскин топади.

олдига заъфарон тўкиш билан баробар» эканлигини таъкидлайди:

*Данийларга бировким
зарфишондур,
Эшак оллига тўкмак
заъфарондур.*

Дунёда энг осон, бироқ энг кимматли нарса — яхшиликдир. Чунки озгина ҳурмат-эътибор, бир чимдимгина эзгулик инсон қалбидан ўчмайди, киши уни доимо хотирида тутайди. Шу сабаб Навоий ёмон билан талашиб яшайдан кўра, ёлғизлик ва хасталик кўйида ўлган яхши, дея эътироф этади:

*Бекаслигу дард кўйида
гард ўлмоқ,
Хушроққи, ёмон била
ҳамовард ўлмоқ,*

Шоир шеърятда эзгу ишларга чорловчи сатрлар талайгина. Чунончи, Алишер Навоий ижоди ёвуз ниятли кимсаларга яхшилик қилолмасанг, бас, ёмонлик ҳам қилма, бошқаларга зиён етказма, деган даъватни ўқиради.

Шоир эзгу мақсадли кишиларни юксакларга кўтарайди. Инсонларнинг гултожи ҳисобланган бундай кишиларнинг энг муҳим сифати — тилни сақлашдадир:

*Инсон ани билки,
ком эрур онга салоҳ,
Тил ҳифзида бил
зумраи инсонга салоҳ.*

Бу байт билан шоир бечораларга яхши таом беролмасанг ҳам, яхши сўз билан аҳолини сўра, зероки, яхши сўз — садақа ҳукмидадир, деб таъкидлайди.

Инсоният тамаддунида бир ақида бор: олим бўлиш мумкин, одам бўлиш қийин. Шундай экан, Алишер Навоий олимликка даъво қилмай, ўзидан яхши ном ҳамда эзгу ишлар қолдиришни ўқтирар экан, унинг ҳаёт йўли, сўнмас асарлари буни яна бир бор исботлайди.

Шеърят мулкининг султони ҳам мана шундай фараҳбахш сатрлари боис неча асрларки, биз, авлодларга ҳаёт дарсидан сабоқ бериб келади. Бу дарсдан ҳар киши ўз тафаккури ва иқтидорига яраша улуш олади. Истагимиз — Навоий ижодиёти, унинг ибратли ҳаёти, ҳар биримизнинг айниқса, ёшларимизнинг йўлимизни ёритиб, эзгу ишларга руҳлантираверсин.

Ботир ЗАРИПОВ,
Навоий давлат педагогика
институтини ўзбек
тилшунослиги кафедраси
доценти.
Насиба ЯРАШЕВА,
институт тадқиқотчиси

Mahalla — oila — maktab

ОИЛАДА ОТАНИНГ СЎЗИ

Бола тарбиясида, айниқса, ўғил болалар камолотида отанинг ўрни беқиёс. Республикаимиздаги мактабларда олиб борилаётган тарбиявий ишлар оталар иштирокида ўтказилаётганини қувонарлидир.

«Маҳалла — оила — таълим муассасаси» концепциясига мувофиқ, Бекобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, 7-умумтаълим мактаби жамоаси ҳамда «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати «Танлаган касбим — менинг фахрим» мавзусига бағишланди. Давра суҳбатига мактабнинг 8-, 9-синфларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ота-оналари тақлиф этилди.

— Айтиш лозимки, бола камолотида, унинг келажагини белгилашда ота-онанинг ўрни катта, — дейди 7-мактаб директори Шоира Раҳмонбердиева. — Айниқса, ўқувчининг келажақда қандай касб эгаси бўлиши, касбни тўғри танлай олиши оиланинг бош устун бўлган отага боғлиқ. Шуларни ҳисобга олиб, ота-оналарнинг фикр мулоҳазалари ва тақлифлари биз, ўқитувчилар учун ғоятда муҳимдир.

— Мамлакатимизда таълим соҳасига жуда катта эътибор берилди.

ётган бир пайтда ҳар бир ота-она ўз фарзандининг ўқишига, келажагига бефарқ қарамаслиги шарт, деб ўйлайман. Зотан, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг яхши касб эгаси бўлишини хоҳлайди. Биз фақат уларга тўғри йўналиш бера олишимиз керак, — дейди туман ХТМФМТТЭБ мудир Иўлдошали Дадажонов.

«Гулистон» МФЙ раиси Илҳом Болтабоев шундай дейди:

— Маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги ёшлар. Истардимки, ҳар бир ота ўз фарзанди тақдирига бефарқ бўлмасин. Боласининг нима иш билан бандлиги, кимлар билан мулоқот қилаётгани, қизиқишларини ҳар бир ота доимий назорат қилиб борса, нур

устига нур бўлар эди.

Суҳбатда оталар номидан сўзга чиққан Алижон Рўзиев ва Абдуманноп Умаралиев ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мактаб психологи Шавкат Рустамов эса битирувчи синф ўқувчилари билан кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани ва ҳозиргача улар ўртасида сўровнома ҳам ўтказилганини таъкидлади. Йил якунига қадар яна икки марта суҳбат ўтказилиши режада бор.

Барчада илиқ таасурот қолдирган тадбир давомида мактаб ўқитувчилари айтилган тақлифлар кейинги иш фаолиятида инobatга олинишини келишиб олишди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири



Фойдали ташаббус

Иорданияда жамоат жойларида чекиш тақиқланди. Мамлакатда расман жамоат жойларида чекиш қонун билан 2008 йилда тақиқланган бўлса-да, номаълум сабабларга кўра қонун ҳозирга қадар тўлиқ кучга кирмаган эди.

Айни пайтда бир қанча кафелар ва қаҳвахоналар тартибни бузгани сабаб, лицензиясидан айрилди. Мамлакатнинг эллик фоиздан зиёд эркалари чилим ва тамаки маҳсулотларини меъридан ортиқ истеъмол қилади. Қонун ҳозирча халқаро аэропорт, савдо марказлари, ресторанлар, шифохоналар, мактаблар, кинотеатрлар, кутубхоналар, музейлар, ҳукумат бинolari, жамоат транспорти ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган жойларда амалда.

Қоровул айиқ

Шотландиялик нафақахўр Макионлар оиласи меҳнат таътилига кетганида уйлари кўнғир айиқ «қўриқлади».

Қариялар айнан неча кун уйда бўлмаганлари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Улар таътидан келган вақтларида ҳам уни сезмаганлар. Боб ва Айрин Макионлар ҳовлида эркин юрганлар, айиқдан бор-йўғи уч тўрт метр узоқ (буни кейинчалик қузатув камералари орқали билишган) бўлганлар. Жониворни орадан бир кун ўтгандан сўнг, Боб Макионга тўсатдан бўлган ҳужумдан сўнг пайқашди. Кўрсатилган тез тиббий ёрдам натижасида у жиддий жароҳатланмади. Айиқнинг кейинги аҳоли ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Шотландиянинг кичик ва чекка қишлоқларига айиқлар тез-тез ҳужум қилиб туришади. Улар овқат қидириш билан ўзлари хоҳламаган тарзда одамлар ҳаётига жиддий хавф солишади.

Кўнгилсизлик

Жанубий Суданнинг Малагал шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти омборидан 3,7 минг тонна озиқ-овқат ўғирлаб кетилди.

Натижада, 200 минг қочоқ бир ой егуликсиз қолди. Буни бутунжаҳон озиқ-овқат дастури вакили Элизабет Бёрс маълум қилди. Айни пайтда БМТ ўғирланган егуликларни қайтариш бўйича тегишли ташкилотларга маълум қилди. Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури БМТ таркибига кирувчи ташкилот. Жанубий Суданда ўтган йил охирида бўлган фуқаролик уруши туфайли ярим миллион аҳоли бошпанасиз қолган. Дастур эса юзлаб қочоқларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келаётган эди.

Айбдорлар жазосини олади

Нигериянинг шимоли-шарқий қисмида содир этилган террорчилик натижасида 52 киши ҳалок бўлди.

Воқеа мамлакатнинг Кавури қишлоғида рўй берди. Радикал кайфиятдаги «Боко Ҳарам» гуруҳи жангарилари маҳаллий аҳолига ҳужум қилиб, уйлари вайрон қилган ва юзлаб одамларга турли даражада жароҳат етказган. Мамлакат полицияси тергов-суриштирув ишларини бошлаб юборди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади

■ Bu shunday yuz bergan edi ■

БУЮК ИХТИРО — ВЕЛОСИПЕД

Бу ажойиб ва бетакрор транспорт воситаси 1817 йилда кашф қилинган. Дунёдаги биринчи велосипеднинг конструкциясини немис профессори, барон Карл фон Дрез ишлаб чиққан эди. У ўз ихтиросини «югуришга мўлжалланган машина» деб номлаган. Дрез яратган қурилма велосипеднинг кейинги авлодларидан кескин фарқ қилиб, икки филдиракли самокатни эслатарди. Устига-устак, дастлабки велосипед педалсиз бўлгани боис унда ҳаракатланиш анча қийин кечган.



Велосипеднинг такомиллашувида шотландиялик темирчи Киркпатрик Макмилланнинг хизмати катта. 1839-1840 йилларда у биринчи бўлиб велосипедга педал ўрнатади. Аввалига ушбу механизм орқа филдиракка бириктирилган. Кўп ўтмай, француз устаси Пьер Лалман педални велосипеднинг олд филдирагига улаб, оёқлар ёрдамида айлантиришни ўйлаб топди. 1864 йилдан бошлаб Лионда велосипедларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бироқ бу вақтда ҳам велосипед ҳали мукамал ва хавфсиз транспорт воситаси эмасди. Филдираклар темир гардиш билан қоплангани велосипеднинг тез ҳаракатланишига халақит берган. Бундай нуқсонни 1884 йилда шотландиялик ветеринар Жон Бойд Данлоп бартараф этди. У велосипед шинасини ихтиро қилди. Бу ҳодиса тасодиф туфайли рўй берган. Уғлига велосипедда учиб қулайроқ бўлиши учун Жон Данлоп филдиракларни резина шланг билан ўраб, ичига сув солади. Аммо бу велосипеднинг ҳаракат тезлигини, аксинча, пасайтирди. Шунда Данлоп шлангни ҳаво би-

лан тўлдириб кўради ва қутилган натижага эришади. Ушбу техник деталь велосипедларнинг дунё бўйлаб оммалашувида сабаб бўлди. XIX аснинг сўнгги ўн йиллиги, ҳатто «велосипеднинг олтин даври» деб номланган.

1878 йилда биринчи йиғилувчи велосипед пайдо бўлди. 1890 йилда эса велосипедларни зангламайдиған алюминий металлдан ишлаб чиқаришга ўтилди. 1898 йилда велосипед конструкциясига педалли тормоз ҳамда эркин ҳаракат механизми (бунда педалларни айлантирмасдан ҳам велосипедни ҳаракатда сақлаб туриш мумкин) қўшилди.

XX асрда конструктор ва муҳандислар велосипед тезлигини ўзгартириш йўллари қидира бошлашди. Бу нарса асосан спорт мусобақаларида иштирок этувчи велосипедлар учун муҳим аҳамият касб этган.

Автомобилсозлик саноати велосипедларнинг шухратини бирмунча пасайтирган бўлса-да, бу транспорт тури ҳамон севимли ва фойдали. Нимасини айтасиз, ахир, ҳозир велосипедлар йирик автоконцернларда ҳам кенг фой-

даланиляпти. Масалан, «Мерседес-Бенц» заводидида ишчилар корхона худудида велосипедда ҳаракатланишади.

Бугун бутун жаҳонда велосипедни экологик тоза транспорт сифатида эътироф этилди. Кўп мамлакатларда велопатрул (айниқса, қишлоқ жойларда) ҳамда велопочта хизмати ривожланган. Масалан, Буюк Британия, Германия, Венгрияда газеталарни асосан велосипед минган почта хизмати ходимлари тарқатишади. Велосипед буюртма асосида таомлар етказишда ҳам қулай дастёр. Лондон, Таллин каби шаҳарларда эса велосипедлардан, ҳатто тез тиббий ёрдам хизматида фойдаланилмоқда. Бу ихчам транспорт воситаси мегаполисларнинг машиналар билан тирбанд кўчаларида бемалол ҳаракатлана олгани боис, шифокорларга манзилга осон етиб олишга имкон туғдиради.

Манбаларда велосипед ҳарбий разведкада ҳам қўлланилгани айтилган.

Наргиза БАҲОДИРОВА
тайёрлади

ҲАМКОРЛИК — ЯХШИЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Кўпчилик учун ишхона, таълим муассасаси ва ўзи меҳнат қиладиган бошқа даргоҳлар худди уйи каби қадрдон бўлиб қолади. Унинг саранжом-сарийшта, озода бўлишини истайди ва бунга ҳаракат қилади.

Унинг ҳар томонлама хавфсиз бўлишини истайди. Жумладан, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга интилади. Бироқ гоҳида кичкина эътиборсиз-

лик, лоқайдлик туфайли юз берган кўнгилсизликлар ҳам учрайдики, бу ҳолга асло бефарқ қараб бўлмайди. Шу боис, ёнгин хавфсизлигига масъул мутахас-

сислар маҳаллаларда, таълим муассасаларида узлуксиз равишда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиб боришади.

Шу ўринда бир мулоҳазани яна бир қарра такрорлашни лозим топамиз.

Тарғибот-ташвиқот ишлари ўз йўлига. Унинг ёнгин хавфсизлиги чоратадбирларида ўрни жуда катта. Лекин ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, маҳалла оқсоқолларининг кўмагисиз умумий

мақсадларга эришиш мумкинми? Албатта, йўқ. Негаки, ота-оналар, педагог-устозлар болалар билан, ёшлар билан ҳар куни бирга бўлишади ва табиийки, уларнинг таъсирида улғаяётган фарзандларимиз хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга кўпроқ ўрганишади. Шунинг учун ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ва таълим муассасалари ходимларини бу борада фаолроқ бўлишларини истар эдик.

Дилшод ХУСАНОВ,
Тошкент шаҳридаги
28-ХЕХК кичик
инспектори, сафдор

■ Mutaxassis ogoh etadi ■

Алишер Навоий

*Эврулай бошинггау беҳушу ҳайронинг бўлай!
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай!
Хони васлингдин агар қовса рақибинг, раъмига
Кунгдум истардек тахайюл бирла меҳмонинг бўлай!
Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,
Кўзу зулфунгдин неча масту паришонинг бўлай!
Хуштурур васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,
Неча, жоно, мубталои доғи ҳижронинг бўлай?
Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин
Ким, қуюндек садқаи сарви хиромонинг бўлай!
Танни жилванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксувор,
То бошингга эврулурга гарди майдонинг бўлай!
Эй Навоий, гунгу лол истар эсам, тонг йўқ, сени,
Тобакай озурдаи фарёду афгонинг бўлай?*

«Turkiston»
savol beradi

O'Z POZITSIYANGNI NAMOYON ET!

Batafsil

АЗИЗ ЁШЛАР!

«Turkiston» gazetasi va «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати сиз учун янги медиа-лойиҳани тақдим этади. Унда сиз Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашилари раисларига ёшлар масаласига оид ўз саволларингиз билан мурожаат қилишингиз, таклиф ва мулоҳазангизни билдиришингиз мумкин. Биринчи учрашув **2014 йилнинг 7 февраль** куни «Kamolot» ЁИХ Медиамарказида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси **Жолдас Абдужамил** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.turkiston.uz ва www.kamolot.uz сайтларида ўқишингиз мумкин. Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+998 71) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз. Шошинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Қизил барон» лақабли, германиялик машҳур спортчи ким?

Жавобингизни **31** январь соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Рио де-Жанейро, Волгоград, Сайхунобод. Мазкур географик номлар дарё билан боғлиқ. «Рио де-Жанейро — Январ дарёси, деган маънони англатади. Волгоград Волга дарёси, Сайхунобод Сирдарё билан боғлиқ. Тўғри жавобни биринчи бўлиб Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков (сиёсий шарҳловчи) ва Ангрэн шаҳридан Учқун Абдурахмонов йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Тўғрилиқ керакдир йигит кишига,
Тўғрилиқ қут берар киши ишига.

Юсуф Хос Ҳожиб

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6996



Бош муҳаррир:

Ашурув Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова
Наргиза
Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «**Буюк Турон**» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма **Г-157.**
Адади — **12351**
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 02.30
ЎЗА якуни — 01.50

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6